

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

“ЗООТЕХНИЯ” КАФЕДРАСИ

**Бакалавриат 5620600-“Зоотехния” (тармоқлар бўйича)
йўналиши 4-94 гуруҳ талабаси**

ВАЛИЕВ ШУХРАТ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Фермер хўжалиги шароитида
голштинлаштирилган сигирларни
говмиштирлаштириш технологияси”**

Илмий рахбар:
“Зоотехния” кафедраси
қ.х.ф.н., доценти:

Р. Хамроқулов

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

“Зоотехния” кафедраси мудир,
доцент _____Ғ.Б. Амантурдиев
“___” _____2014 йил

Зоотехния факултети декани,
доцент _____У.Ш.Балласов
2014 йил “___” _____

Тошкент – 2014 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I- Адабиётлар шарҳи	7
Боб	
II- Тадқиқотларнинг объекти, услуби ва услубиёти.....	15
Боб	
2.1. Хўжаликнинг яратилиш тарихи ва чорвачиликнинг ривожланиш ҳолати.....	15
2.2. Хўжаликнинг ем-хашак билан таъминланиши ва молларни озуклантириш шароити.....	19
2.3. Ишнинг мақсади ва вазифаси.....	21
2.4. Иш услуби.....	21
III- Тадқиқот натижалари.....	23
Боб	
3.1. Сутдан чиққан бўғоз сигир ва ғунажинларни парваришlash технологияси.....	23
3.2. Сутдан чиққан бўғоз сигирларни ва ғунажинларни озуклантириш технолгияси.....	24
3.3. Сутдорликни ошириш тадбирини ўтказиш натижалари.....	31
3.4. Таҷрибанинг иқтисодий самарадорлиги	42
Асосий хулосалар	45
Тавсия	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	47

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 22 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарори мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди.

Республика Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари бу борада дастури-амал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳужжатларда чорвадорлар учун барча шарт-шароит ва имтиёзлар ўз аксини топган.

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш учун мустақиллик йилларида барча имкониятлар яратиб берилди. Чорвачиликни хусусийлаштириш натижасида чорва ҳайвонлари эгасини топди, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорва бош сонлари кўпайиб, маҳсулот етиштириш кескин ошди. Фермер хўжаликлари учун ҳар шартли бош молга 0,30-0,45 га ер ажратилиб берилиши натижасида чорва ҳайвонлари учун етарли миқдорда турли хилдаги озуқалар етиштирилиб, молларни тўлақийматли озуқлантириш имкониятлари яратилди. Чорва маҳсулотларига давлат бюджетлари ва харид баҳоларини бекор қилишни чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини берди.

Ушбу қарорга биноан ижтимоий масала, яъни мол боқиш билан шуғулланган аҳолининг меҳнат дафтарчаларига иш стажи ёзилиши фермерларда қорамолларда сонини кўпайиши, зооветеринария ва наслчилик хизматлари кўрсатиш, шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига наслдор моллар

етказиб бериш, мол сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш, эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга бепул сигир ажратиш, омихта ем билан таъминлаш, 2010 йилгача республикага олиб келинаётган наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарни бож тўловларидан озод қилиниши назарда тутилган. Қарорнинг барча бандлари мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш истиқболларини очиб берди.

Юқоридаги муаммоларни ечиш учун ҳукумат томонидан қатор қарорларни қабул қилишни фермер ва ишбилармонлар учун барча шароитларни яратиб берди.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарор алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қарор наслчилик ишларини такомиллаштириш, жараёнини жадаллаштириш учун зарур моддий молиявий, божхона имкониятларини яратиб берилиши чорвачиликнинг барча соҳаларида ҳайвон ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини очиб берди.

Шу босидан мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир чорвадор қарор имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 21 апрел 2008 йилдаги Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори кўпчилик муаммоларни тўлиқ ечиб бериш имконини берди.

Ушбу қарорда чорва бош сонларини 2008-2010 йилларда кўпайтириш истиқболлари, аҳолига мол сотиб олиш учун микрокредитлар, чорва фермалари ерларида фақатгина озуқа экинлари экиш, шрот, шелуха сотишни тартибга солиш, зооветеринария пунктлари очиш имкониятлари, чорвачилик жиҳозлари ва техникалари олиш, наслчилик ишини ривожлантириш кафолатлари ўз аксини топган.

И.А.Каримовнинг яқинда чоп этилган «Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китоби, ҳозирги кунда ҳар бир чорвадор учун дастур бўлиши, хўжалик юритишнинг оқилона усуллари қўллаш, янги кам ҳаражат технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш эзига рақобатбардош, экспортбop маҳсулот етиштиришни, ҳаражатларни камайтириб, фойда билан ишлашни тақазo этади.

Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан таъминлаш вазифасини бажаради. Мамлакатимиз аҳолисини етарли миқдорда гўшт, шу жумладан пархезбop парранда гўшти ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш, айниқса уларнинг маҳсулдорлигини оширишни тақазo этади. Шу боисдан чорва ҳайвонлари ва паррандаларининг янги зотлари, кросслари, тизимларидан фойдаланиш, кенг миқёсда наслчилик ишларини олиб бориш, ҳайвон ва паррандалар маҳсулдорлигини муттасил ошириб бориш имконини беради.

Шунинг учун малакавий битирув ишимизда янги тукқан сугирларни сутдорлигини ошириш масаласи долзарб муаммо хисобланади.

Бизнинг ушбу ишимиз худди шу муаммога бағишланган.

I-БОБ

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Мавзунинг долзарблиги хақида гап юритсак шуни айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришга сермахсул, яъни серсут сигирларни етказиб бериш технологияси дозарб вазифадир.

Битирув ишининг мавзуси янги туққан сигирларни говмишлаштириш технологиясидир. Сигирларнинг юқори махсулдорлиги маълум даражада уларни туғишга тайёрлашга боғлиқ бўлади. Бунда биз бўғоз сигирларни парваришlash технологияси, яъни сақлаш услуги озуклантириш шароити, нормалари, кун тартиби ва хоказолар тушунилади. Бўғоз ғунажинларни туғдириш технологиясига, яъни сақлаш жойлари ва туғдириш техникаси, озуклантириш омиллари киради. Биринчи туғишда серсутлигини ошириш технологияси - сақлаш, озуклантириш (яъни «авансли» озуклантириш), ғунажинларнинг тирик вазни, сут миқдори, яъни назорат соғишдаги натижалар. Бузоқларнинг 15 кунлигигача индивидуал уйчаларда сақлаш технологияси каби масалалар битирув ишида ёритилади.

Мана мисол учун, Осиё мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда қорамолларнинг кўп бўлишига қарамай каммахсул бўлганлиги сабабли аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондирмайди. Осиё мамлакатларида урчитилаётган қорамолларнинг тирик вазни 250 – 350 кг, сигирнинг сут бериш миқдори 700 - 1000 кг га тенг бўлган Арфика давлатларида ҳам худди шундай аҳволни кузатиш мумкин. Лекин Америка, Европа ва айниқса Исроил давлатларида қорамолчилик жадал ривожланган, уларда сермахсул зотлар ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб

чиқаришнинг жадаллаштирилган усуллари (яъни ғунажинларни туғишга тайёрлаш ва уларни биринчи туғишида серпуштлигини ошириш технологияси яратилган ва кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Шунинг учун кейинги йилларда дунё мамлакатларида чорвачилик кескин ривожланиб бормоқда. Хусусан, А.Т.Мысикнинг «Современные тенденции развития животноводства в странах мира» зоотехния журнали. М. 2010 й №1 мақоласида ёзишича, турли мамлакатларда 1 бош сизгирдан соғиб олинган сут қуйидагича бўлган:

1. Дунё бўйича 2287 кг
2. Европада 5776 кг
3. Германия 6439 кг
4. Россия 3125 кг
5. Англия 6975 кг
6. Осиёда 1549 кг
7. Хитойда 2842 кг
8. Хиндистонда 1000 кг
9. Қозоқистонда 2209 кг
10. Жанубий Корея 9458 кг
11. Исроилда 9600 кг
12. Бразилияда 1138 кг дан

сут соғиб олинган.

В.М.Крилов, Л.И.Данченколари «Полноценное Кормление коров» Ленинград В.О 1987. стр. 106. Мақоласида бўғоз сизгирларни ва айниқса ғунажинларни боқиш қишлоқ хўжалик хайвонларини боқиш илмининг энг кам ўрганилган бўлимидир деб ёзди. Аммо туғишга тайёрлаётган ғунажинларни ва бўғоз сизгирларни тўлақимматли рационлар билан боқиш ва уларни

туғишга тўғри таёрлаш улардан яхши ривожланган бола олиш ва туққандан кейинги сигирнинг серсут бўлишининг гаровидир. Бу даврда сигирларни ва ғунажинларни нотўғри боқиш улардан нимжон бола олишга ва туққандан сўнг камсут бўлишига сабаб бўлади.

А.П.Дмитриченкова ва П.Д.Пменичнийларнинг фикрига, бўғоз сигирларга силосни чегаралаб беришни ва асосан уларни дағал озуқалар билан боқиш кераклигини уқтиради. Н.П.Герчиков (1958) эса ширали озуқаларни 100 кг т.в. учун 3 кг дан, туғишига 8 - 10 кун қолганда эса умуман бермасликни таклиф қилади.

Лекин бу ҳолат бизнинг фикримизга деб ёзади Р.Х.Хамроқулов (1999) бўғоз сутдан чиққан сигирларга ширали озуқаларни чегаралаб (оз миқдорда) бериш ва уларни оз миқдорда пичан, асосан сомон билан ва оз миқдорда концентрат бериб боқиш уларни туғишга ёмон таёрланганлигини билдиради. Улардан яхши ривожланган бузоқ олиб бўлмайди ва туққандансўнг сутдорлиги ҳам кам бўлади.

Ғунажинларни парваришлар, туғишга таёрлаш ва уларни биринчи туғишда серсутлигини ошириш мавзуси бўйича кўпгина олимлар тажрибалар ўтказган. Биз шу тажрибалар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Х.А.Ғиёсов «Ғунажинларнинг ҳар хил шароитда боқишда уларнинг ўсиши, ривожланиши сақланиши» мақоласида «Қизил шалола» тажриба хўжалигида ўтказилган тажрибанинг натижаларини келтирган, бунда голштина - фриз ва қора - ола зотлари 1 ва 2 бўғим чатишма ғунажинларнинг ўсиши, ривожланиши ва сақланиши ўрганилган.

Сут эмадиган бузоқларнинг профилокторий-уйчаларда парваришlash технологияси бузоқларнинг сақланишини юқорилиги ва ўртача кунлик ўсишининг ошиши кузатилди.

А.П.Калашников ва Н.С.Сироткинларнинг Урал қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институтида ўтказган тажрибасидан шу нарса маълум бўлдики сигирларни силосли озуклантириш типиди озуклантирганда яхши сифатли силосдан эркин истеъмол қилдириб рационни тўйимлилиги бўйича 62 - 63 % силос бўлган 1 ва 2 гуруҳдаги ғунажинлар рациониди 33 % силос бўлган ғунажинларга нисбатан 400 - 450 кг кўп сут берганлар. Тугилган бузоқларнинг тугилгандаги тирик массаси ҳам 3 гуруҳдагиларникидан 3 - 4 кг га ортиқ бўлган. И.Х.Хидиров ва О.Ибрагимовлар (1989).

Ёш молларни индивидуал катакларда ва гуруҳли павилонларда сақлаш технологиясининг муҳимлиги мақоласиди қора-ола ва голштино фриз дурагайлари 6 ойлигигача парваришlash технологиясини иссиқ иқлим шароитиди ўрганиб чиққанини ёзган. Бунди шу нарса тасдиқландики, 2 кунлик бузоқлар 2 ойлигигача индивидуал, ўйчаларди парваришланган, кейинчалик эса 5 ойлигигача гуруҳли павильонларди парваришланган бузоқлар, тирик вазни, экстерер кўрсаткичлари, озукани ўсиш билан қоплаши ўзининг тенгдошларига нисбатан (булар эса 2 ойлигидан 5 ойлигигача прафлакторий бузоқхоналарди парваришланган) устун келар экан.

П.И.Леднёв, П.Мўминов ва бошқалар ТошДАД «Иссиқ иқлим шароитиди чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш технологияси » илмий тўпламиди ёзган «Тухумдон функциялари бузилган сигир ва ғунажинларди сариқ тана

фаолиятини кучайтириш» мақоласида қуйидаги фикрни билдирган.

Куйикиш олдидан ривожланган фолликулалар ва овуляциядан кейин тўлиқсиз ривожланган сарик танани, тухумдорларга гармон перепаратларини ташқаридан киритиш таъсири ўрганилган.

Натижада бир қанча препаратлар юбориш ва уқалаш, навбатдаги жинсий циклдан 73 % ҳайвонларда бўғозликни сақлаш имконини берди.

И.Максудов ТошДАД (1989) «Иссиқ иқлим шароитида чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш технологияси» мавзусидаги илмий тўпламда ёзган «Рационида турли миқдорда ем билан ўстирилган биринчи туғиш сигирларни сут маҳсулдорлиги» мақоласида ёзишча рационда турли миқдорда ем билан ўстирилган ғунажинларнинг тирик вазнлари биринчи туғиш даврида турлича бўлгани қайд қилинган.

Подани қайта тўлдириш учун мўлжалланган ғунажинларни 18 ойлигигача ўстириш даврида рацион таркибида сутли озуқалар 6,33 - 6,73 %, концентрат озуқалар 15 - 40 % ни кўк озуқалапр 20,58 - 26,2 % ни, ширали озуқалар 16,34 - 33,3 % ни дагал озуқалар эса 16,75 - 18,72 ни ташкил қилган.

Тажрибадаги барча ғунажинлар 2 ёшлигида 419,5 кг дан 436,4 кг гача тирик массага эга бўлдилар. Жумладан, I гуруҳдагилар II гуруҳдагилардан 16,9 кг ортиқ вазнга эга бўлдилар.

Тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги Ўзбекистон минтақасида ўстирилаётган зотларнинг бир хиллик меъёр (стандарт) талабларига нисбатан анча юқори бўлиб, 1 гуруҳдан

903 кг ёки 36,12 % II гуруҳда 794 кг ёки 31,76 % III гуруҳда 1264 кг ёки 50,56 % IV-гуруҳда 1078 кг ёки 43,12 % кўп бўлган.

Шундай қилиб, таркибида концентрант озукалар миқдори ҳар хил бўлган турдаги рационлар билан подани қайта тўлдириш учун мўлжалланган ургочи таналарни ўстириш, фақат уларнинг ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичларига таъсир қилиб қолмасдан, балки 1 - туғишдан сўнг сут маҳсулдорлигига, сут таркиби ва хоссаларига ҳам таъсир қилиши қайд қилинади.

Т.Т.Дўстматов ва бошқалар (1989) «Иссиқ иқлим шароитида чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш технологияси» Тошкент 1989 й мавзусидаги илмий тўпламда ёзган «Дурагай ғунажинларни кўпайиш қобиляти» номли мақоласида ёзишига Хиндистон зобуси Х Голштино-фриз ва соф қора-ола зот таналарни кўпайиш қобиляти (оталантирилган пайтдаги тирик массаси, оталаниш индекси, туғилган вақтдаги тирик массаси, ёши талқин этилган.

Дурагай ғунажинлар соф қора-ола зот ғунажинларга нисбатан 1-1,5 ой олдин маҳсулот бериш қобилятига эгадирлар.

Н.К. Карибоев К.Мадаминов (1992) ларнинг ёзишича «Ҳар хил ирсий омилга эга ғунажинларни туғишга тайёрлашнинг уларни келажак сут маҳсулдорлигига таъсири» номли мақоласида ёзишича, Андижон вилоятидаги «Савай» наслчилик заводида ҳар хил ирсий омилларга эга қўнғир зотли (америка, австрия, қўнғир зотлари, олатов ва маҳаллий қўнғир зот) ғунажинларни туғишга тайёрлашнинг уларни сут маҳсулдорлигига таъсири тажрибада ўрганилган. Натижада тайёргарликдан ўтган ғунажинлар елин ўлчамлари (I - IV гуруҳлар) 65,2-50,1 фоизга ошди, тайёргарликдан ўтмаган 5 - назорат гуруҳда эса бу кўрсаткич атиги 45,5 % ни ташкил қилди.

Натижада I - IV гуруҳдаги ғунажинлар туғгандан сўнг назорат гуруҳга нисбатан кунига 3,3 - 5,1 кг кўп сут берди ($P = 0,99$) ҳамда уларда асосан ваннасимон ва косасимон елин шакллари қайд қилинди. Шундай қилиб, ғунажинларни туғишга тайёрлаш ва уларни келиб чиқишига қараб, келгуси сут маҳсулдорлигини 885 - 160 кг га ошириш иконини беради.

Н.С.Нам ва Эль Браль Хасен (1992) «Ҳар хил ирсий олимларга эга сигирларни бўғозлик давр муддати узайишининг туғилгандан сўнги жадал ўсиши билан боғлиқлиги» номли мақоласида ёзишича соф қора-ола зотли сигирларни зебу дурагай буқа хинд зебуси, 3/4 голштино - фриз ва 1/8 озарбажон зебуси, 7/8 қора-ола зот уруғи билан уруғлантирилганда, хомиладорлик вақти бирмунча қисқарганлиги кўрсатилган. Тажрибадаги сигирларда дурагай хомилани ривожланиши ва етилиши 281 кунни ташкил этса ва туғилганда бузоқларни оғирлиги 24,72 кг бўлса, назоратдаги соф қора-ола зотли сигир бузоқлари 287 кунда туғилиб, вазни 23,88 ни ташкил қилган.

Академик А.С.Всяких О.П.Белугина «Бўғоз ғунажинларнинг елинини ривожланишини массаж йўли билан стимуляция қилиш» мақоласида елиннинг ривожланиши учун масаж йўли билан стимуляция қилиш усуллаври келтирилган. Бу усулни саноат технологияси шароитида назарий исботи берилган. Ҳар хил зотларга мансуб ва турли бўғозлик давридаги ғунажинларни устидан ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, уларнинг туққандан кейинги сут маҳсулдорлиги 7 дан 24 % атрофи кўпайиши кузатилди. Кейинги лактацияларда ҳам тажриба ўтказилган гуруҳ молларни назорат гуруҳидаги молларга нисбатан сут маҳсулдорлиги юқорироқ бўлди.

И.Мақсудов, Ш.Амиров 2008 «Фермер хўжалигида сермахсул сигирлар ўстириш» мақоласида муаллифлар 5 та гуруҳ қора - ола зотли таналар ва ғунажинларда тажриба ўтказиб ҳар хил гуруҳларни 6 ойлигигача, 6 - 18 ойликгача ва 18 ойликдан то туққунигача турли жадаликда парваришлаб уларнинг келажакдаги сут маҳсулдорлигини ўрганганлар.

Ғунажинларни жадал ўстириш ва елинини уқалаш уларнинг физиологик ҳолатига ижобий таъсир этиб, хусусан йирик, сермахсул бўлишини таъминлади. Елини уқаланган ғунажинлардан уқаланмаганларига нисбатан 246 кг кўп сут соғиб олинган.

Биринчи туғишдаги сигирларни ийдириш (раздой) даврида 1 гуруҳ сигирларга фақат «аванс» II-гуруҳ сигирларига «аванс», ва 2 - 3 км масофага ҳаракатлантирилган ҳамда III-гуруҳ сигирларга «аванс» ем ва яйловда боқилган. Натижада сутни ошириш тадбири (раздой) 100 кунлик лактация даври учун 1 - 2 - 3 - гуруҳ сигирлардан 1270 - 1392 ва 1561 кг сут соғиб олинган.

А.Алиқулов Ҳар бири 4 млн 300 минг сўмлик ғунажинлар зооветеринария журнали №6 - 7 2008 й чоп этган мақоласида бу молларни жуда қиммат нархда сотиб олгани ҳақида гапирар экан «Соғлом ривож файз» фермер хўжалигининг иш бажарувчиси Ғуломжон Отабоев таъкидлайдики, буларни энди яхши парваришлаб, тўғри илмий асосланган норма асосида озуклантириш, уларни туғишга тайёрлаш ва янги туққан - ғунажин сигирларни сутдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни тўғри тадбиқ этиш кераклигини таъкидлайди.

II-БОБ

2. ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИ

2.1. Хўжаликнинг яратилиш тарихи ва чорвачиликнинг ривожланиш ҳолати

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Мурувват чорвадор» насли қорамолчилик фермаси шу тумандаги эски «Правда» колхози, кейинчалик 1993-йилда у Гулистон номи билан аталган колхознинг фермаси негизида яратилган

«Правда» газетаси номи билан аталадиган бу колхозда атиги 80 оила яшаб 300 га яқин аҳолиси бор эди. Бу хўжалик ахли собиқ Коммунист туманига (Юқори Чирчиқ) қарашли бўлиб, Чирчиқ дарёси бўйидаги ерлардан 100 гектарни ўзлаштириб шоликорлик билан шуғулландилар. Йиллар ўтиши билан хўжалик кўшни «Янги йўл», Жамбул, Фрунзе, Ленинизм колхозлари билан бирлашиб ўсди ва иқтисодий мустахкам хўжаликка айланди.

1980-1990 йилларда колхозда кўп миллатли, 10000 аҳоли яшайдиган , 2000 га дан кўпроқ ерга экин экадиган ва ҳар йили 11 млн сўмдан кўпроқ даромад оладиган кўп тармоқли , йирик хўжаликка айланди.

Чорвачиликни юксак даражага кўтаришда хўжалик раҳбарлари ва чорвадор мутахассисларнинг хиссаси ниҳоятда катта бўлди.

1992 йилда қорамолчиликдаги юксак кўрсаткичлари учун колхоз қорамолчилик фермасига давлат наслчилик заводи мақоми берилди. 1992 йилдан бошлаб бу хўжалик «Гулистон» номи билан аталадиган бўлди. Унинг жами ер майдони 2030 га бўлиб, шундан хайдалган ер 1900 га ни ташкил қилади.

Ернинг тупроғи унумдор ва ер ости сувлари 3-4 м. чуқурликда.

1-жадвал

Чорвачилик кўрсаткичлари

Чорва моллар	Сони ва махсулдорлиги
Жами қорамол	2200 бош
Шундан:	
Сигир	880 бош бош
Бузоқ олиш (100 бошдан)	85 бош
1 сигирдан олинган сут	4470 кг
2.Қўй, эчки	7800 бош
Хар бир бош қўйдан олинган жун	3,5 кг
3.Товуқ	9000 бош
Тухумдорлик (1 бошидан)	123 дона тухум

Бу хўжалик қорамолчилик фермасини 2002 йилдан бошлаб Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлайдиган чет эл компанияси сотиб олди ва унга «Мурувват текс» чет- эл шўъба агросаноат корхонаси деб ном берди.

2009 йилдан бошлаб эса «Жумабозор» насли қорамолчилик фермаси деб юритила бошлади. Кейинчалик «Мурувват чорвадор» номини олди.

Сотиб олишда барча чорвачилик бинолари ва сақланиб қолинган қорамоллари билан бирга сотиб олинди. Бу фирманинг қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича шуғулланадиган чет эл шўъба корхонаси деб аталадиган бўлди.

Бу корхонанинг қарамоғида дехқончилик билан шуғулланувчи «Жумабозор» фермер хўжалиги ҳам мавжуд.

2010 - 2012 йилларда фермада қорамолларнинг бош сони қуйидагича бўлган.

Қорамолларнинг бош сони

	Мол гуруҳлари	Бош сони		
		2010 й	2011 й	2012 й
1	Наслдор буқа	1	2	2
2	Сигирлар	141	131	190
3	Ғунажинлар	20	28	38
4	1-2 ёшли таналар	70	80	85
5	1-2 ёшли буқачалар	65	72	80
6	1 ёшгача бўлган бузоқлар	120	120	143
7	Новвослар ва қари сигирлар бўрдоқида	144	147	90
Жами		560	580	626

2011 йилда сигирлар сонини кам бўлишининг сабаби хўжаликда туберкулез касаллиги пайдо бўлиб кўпгина серсут сигирлар пода сафидан чиқарилди ва уларнинг ўрнига олмалик тоғ-металлургия комбинатининг насли қорамолчилик фермасидан ва бошқа хўжаликлардан сигир ва ғунажинлар ва насли буқа сотиб олинди.

Қорамолчиликни сердаромад сохага айлантириш учун пода структурасида сигирлар 44 - 45 % ни, ғунажинлар 8 – 10 % ни, 1 ёшгача урғочи таналар 15 % ни, 1 ёшгача эркак бузоқлар 15% ва бўрдоқидаги моллар 6 - 7 % ни ташкил қилиши керак. Агар подада сигирлар салмоғини 45 дан 50 % гача кўтаришнинг иложи бўлса рентабеллик бундан ҳам юқори бўлади.

Фермада 8 сигирхона

1 профилактория ва туғриқ хона

1 бузоқхона

1 ёш молар учун молхона ва 1 ёш буқачаларни ўстирадиган молхона

Ем хашак цехи, тарозхона ва бир қанча ёрдамчи бинолар мавжуд. Ферма территорияси тўлиқ девор билан ўралган бўлиб, шарқ томонида асосий автотранспортлар учун кирадиган йўл мавжуд, ғарб томонидан эса одамлар юрадиган кичик эшик бўлиб, харбийлашган қоровуллар қўриқлайди ва бегона кишиларни ферма территориясига рухсатсиз қўйилмайди. Фермада 2 бош 2,5 ва 3 ёшдаги голштинлаштирилган наслдор буқа мавжуд бўлиб, улар Олмалиқ тоғ металлургия комбинатига қарашли насли фермадан сотиб олинган. Масалан, Арслон лақабли буқанинг она авлодлари 6500 - 7000 кг, 3,9 % ёғдорликда сут берган бўлиб элита рекорд классига мансубдир. У фақат 1,5 ёшдан катта бўлган урғочи таналарни қочириш учун ишлатилади.

Қолган барча сигирлар АҚШ га қарашли америка голштин зотли буқаларнинг уруғи билан сунъий қочирилади.

2.2. Хўжаликнинг ем-хашак билан таъминланиши ва молларни озуклантириш шароити

«Мурувват» аграсаноат хўжалиги қорамолчилик насли фермасини ем- хашак билан таъминлаш учун жами 280 га экин майдони ажратилган бўлиб, шундан 72 га беда (эски), 98 га янги беда, 10 га майдонга лавлаги ва 98 га майдонга маккажўхори дон учун ва 2 га майдонга қовоқ экилган.

Хўжалик учун 280 га экин майдони ажратилган бўлиб бунда асосан чорва моллари учун ем хашак етиштирилади.

2013-2014 йилларда бу майдонда қуйдаги озукбоб экинлар парваришланган.



Расм-1. Хўжаликда ишлатиладиган Арслон лақабли наслдор буқа.

2013 йилда «Мурувват» нинг Жумабозор бўлимидаги дехқончилик билан шуғулланувчи бўлимидан 41 га буғдойдан бўшаган майдонга силос учун маккажўхори экилган.

Бу озукбоп экинларнинг хосилдорлиги ва ундан олинган ялли хосил қуйида келтирилган.

3-жадвал

**Хўжаликда 2014 йилда 328 га экин майдони бўлиб, бу
майдон қуйидаги экинлар билан банд**

№	Экин турлари	Майдони, га
1	Янги беда	30
2	Эски беда	103
3	Маккажўхори, дон учун	70
4	Буғдой	61
5	Лавлаги, озукбоп	6
6	Маккажўхори силос учун	30
7	Пахта	6
	Жами:	328

Хўжаликда қорамоллар бош сони ва отлар миқдори ҳам 2013 қараганда анча ўзгарган. Бу ҳақидаги маълумотлар қуйида келтирилган.

Бундан ташқари хўжаликда 70 бош от парваришланади.

4-жадвал

Чорва молларининг бош сони (2013 йил)

№	Мол тури	Бош сони
1	Сигирлар	161
2	Наслдор буқа	2
3	2 ёшдан ошган таналар	135
4	2007 йилги таналар	59
5	2008 йилги таналар	51
6	2008 йилги буқачалар	52

7	2009 йилги таналар	28
8	2009 йилги буқачалар	30
9	Боқувдаги қорамоллар	149
	Жами қорамоллар	667

2.3. Ишнинг мақсади ва вазифаси.

Ишнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришга серсут молларни етказиб бериш, янги генетик потенциалидаги серсутлик кўрсаткичларини тўла рўёбга чиқариш технологиясини амалий ва назарий томондан ўрганиб чиқиш. Хусусан янги туққан сигирларни сутдорлигини ошириш технологиясини ўрганиш. Шу мақсадда биз ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик.

Сутдан чиққан бўғоз сигирларни ва ғунажинларни парваришlash технологиясини ўрганиш.

Сутдан чиққан бўғоз сигир ва ғунажинларни озуклантириш шароити

Янги туққан сигирларни сутдорлигини ошириш технологияси.

2.4. Иш услуби.

Хўжалик фермаси олдинлари жуда машхур эди. 1992 йил пода бўйича хар бош сигирдан 4370 кг дан сут соғиб олиниб бу фермага қора-ола зот бўйича наслчилик заводи мақоми берилган эди. Шунинг учун сут ишлаб чиқариш пототкли цехлар шаклида курилган бўлиб унда алоҳида сутдорликни ошириш цехи мавжуд эди. Лекин шу кунга келиб бу хўжаликда сигирларни туққандан сўнг сутдорлигини ошириш чора-тадбирлари (раздой) ўтказилмай қўйилган. Биз хўжаликда 15 апрелдан 6 июн 2013

йилгача туққан ғунажинлардан 16 бошни танлаб олиб улардан 2 та гуруҳ ташкил қилдик. Биринчи 8 бош назорат гуруҳи бўлиб хўжалик рационада боқилди. Иккинчи боши тажриба гуруҳи бўлиб уларда июн-июл-август ойларида сутдорлигини ошириш бўйича (раздой) тадбир ўтказдик.

Тажриба қуйидаги тасвирда олиб борилди.

5-жадвал

Тажриба тасвири

Гуруҳлар	Бош сони	Тажриба муддати ой	Озуқлантириш шароити	Ўрганиладиган омиллар
Нazorат	8	VI-VII-VIII	ХР	Сигирларни ойлик сут маҳсулдорлиги ва сутнинг ёғдорлиги
Тажриба	8	VI-VII-VIII	ХР + 3 ОБ «аванс» озуқа	Сигирларни ойлик сут маҳсулдорлиги ва сутнинг ёғдорлиги

III-БОБ

3.ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

3.1.Сутдан чиққан бўғоз сигир ва ғунажинларни парваришlash технологияси

Бўғоз сигир ва ғунажинларни туғишга тайёрлаш ва уларни янги туғилга пайтида серсутлигини ошириш технологияси қуйидагича ўтказилиш керак. Бўғоз ғунажинларни 7-8 ойлик бўғозлик даврида туғишга тайёрлаш бўлимига ўтказилади, яъни ёзги очик майдонларга, бу ерда булар боғловсиз ҳолатда майдончаларда бемалол ҳаракатланиб юради. Бинонинг жануб томонида шийпон (навес) қурилган бўлиб, уни усти профстил (зангламайдиган тунка) билан ёпилган. Олд томонда узунасига охири (бетондан) ўрнатилган бўлиб уни олдида трактор прицепа билан дағал, ширани ва кўк озукларни охурга тарқатиб беради.

Ҳар бир майдончада бўғоз сигир ва ғунажинларни сугориш учун бетондан мосламалар қурилган бўлиб кран орқали унга доим сув тўлдирилиб турилади.

Бу яйратиш майдони узунасига 3 та майдончаларга бўлинган. Чегаралар 1,5 м баландликдаги темир панжара билан ишланган. Сутдан чиққан бўғоз сигир ва ғунажинларни тирик масса ва туғиш муддатига қараб 3 гуруҳга бўлинади. Ҳар майдончадан 1 гуруҳ сутдан чиққан бўғоз сигир ва ғунажинларни сақланади. Булар кечагилари бинога киритилади. Олд томонидан 70 х 60 см размерли бетондан охур ўрнатилган бўлиб унинг усти 2,8 3,0 м баландликда шифер билан ёпилган.

Бу навеслар охурларга қуёш нури, ёмғир тушмаслиги учун ва ғунажинларни озуклантириш пайтида қуёш нуридан исиб кетмаслиги учун қилинган.

Қишда бўғоз ғунажинлар ёпиқ биноларда сақланади ва бинонинг катталиги 10х60 м.

3.2.Сутдан чиққан бўғоз сигирларни ва ғунажинларни озуклантириш технологияси

Бўғоз сутдан чиққан сигир ва ғунажинларни озуклантириш технологияси.

Ҳар бир майдонга бўғоз сигир ва ғунажинларни суғориш учун бетондан мосламалар қурилган бўлиб, қиран орқали унга доим сув тўлдирилиб туради.

Хўжаликда ғунажинларни ва сутдан чиққан бўғоз сигирларнинг озуклантириш қуйидагича ташкил қилинган.

Хўжаликда йилда давлатдан омихта ем, буғдой кепаги, пахта шелухаси ва шротни сотиб олинди. Ёз фаслида сигир ва қолган моллар кўк беда, маккажўхори дони ёрмаси, буғдой кепаги билан ва рационда қуруқ моддани меъёрига келтириш учун шелуха, баъзан беда пичани ишлатилади.

Бедадан сўнгги ўрим олингандан сўнг октябрь ойининг охирларидан бошлаб бедапояда сигирлар ўтлатилади. Лекин яйловга чиқаришдан олдин эрталаб албатта бир оз концентрат озуқа ва майдаланган маккажўхори пояси ёки беда пичани бериб сўнгга далага хайдалади. Бу уларнинг қорнини дамлашдан асрайди.



Расм-2.Хўжаликда тажрибадаги сигирлар яйловга чиқаришдан олдин беда пичани билан озуклантирилмоқда.

Хўжаликда қўлланиладиган рационда тўйимлилигини келтирамиз. Ёз даври рационда асосан кўк беда, маккажўхори дони ёрмаси, бугдой кепаци ва курук моддани меъёрига келтириш учун оз миқдорда (2 кг) пахта шелухасидан фойдаланилган. Маккажўхори донини катта махсус қозонда пишириб унга пахта шроти ва шелухаси қўшиб 2 - 3 соатга димлаб қўйиб, сўнгра сигирларга тарқатилади.

Хўжаликдаги сигирлар ўртача тирик массаси 450 кг ва туққандан кейинги сутдорлиги 4000 кг мўлжалланган.

Хўжаликда сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун қўлланиладиган рационнинг тўйимлиги қуйида келтирилган

Ёз даврида ғунажинларга кўк масса эрта баҳорга қисман дағал озуқа ёки шелуха ва ҳар хил концентрантлар берилади. Охирларда ҳар доим каллак ош тузлар бўлиб моллар уни ҳоҳлаган пайтида ялаб ош талабини қондирадилар.

Демак бўғоз ғунажинлар бўғозлигининг 7-8 ойида ёзги очик майдонларда эркин ҳаракатда сақланади, бу эса буларга мос келади, чунки молларнинг бўғозлик даврида фаол мацион тавсия этилади.

Сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун қўлланадиган рацион

Асосий қўрсаткичлар	Озуқ миқдори	Озуқ бирлиги	Алмашинувчи энергия	Қуруқ модда	Тозаланмаган протеин	Хазмланувчи протеин	Тозаланмаган клетчатка	қанд	Крах мал	Тозаланмаган ёғ	Каротин	Ош тузи	Йод	Темир	Мис
Озуқ нормаси		8,4	98	10,3	1400	910	2470	800	727	262	412	50	5,8	540	82
Ўлчов бирлиги	кг		мж	кг	г	г	г	г	г	г	мг	г	мг	мг	Мг
Озуқ тури рацион															
Кўк беда	25	5,0	61	6,5	1250	1050	1600	390	75	175	1200	-	0.03	350	12,5
Пахта шелухаси	2	0,8	14	1,8	71	45	840	10	-	12,1	-	-	0,04	-	-
Бугдой кепаги	3,5	2,6	31	3,00	528	339	308	164	-	149	9,1	-	1,75	854	41,65
Ош тузи	0,05	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	50	-		
Жами рационда бор		8,4	106	11,3	1849	1434	2748	564	75	330	1209	50	1,82	1204	54,15

Бўғоз сигирлар туғадиган вақтига келиб семизлиги завод кондинциясида бўлиши керак. Ғунажиннинг ва сутдан чиққан бўғоз сигирнинг семизлиги завод кондинциясидан паст бўлса, уларни қўшимча (концентрат озуқалар тариқасида) озуқлантириш керак. Агар бир кунда 0,3 кг семиртирмоқчи бўлсак 1,5 озуқ бирлиги, 0,5 кг семиртирмоқчи бўлсак 2,5 озуқ бирлиги ва шунга яраша бошқа тўйимли моддаларни нормага қўшиб берилади. Хаддан ташқари семириб кетиши туғишнинг қийинлашишига олиб келади, тугилган бузоқ эса нозик бўлиб қолади. Бўғоз ғунажинларининг қишки рационига: хохлагунча сифатли пичан, лекин 1 кунда ҳар 100 кг тирик вазнига 1,5 - 2 кг дан ортиб кетмаслиги керак, бундан ташқари юқори сифатли

ширали озукалар (силос, сенаж, илдизмевалилар ва х.к.), концентрат аралашмалари ва минерал қўшимчалар киририлади. Илдизмевалилар ювиб қирқилган ҳолда тарқатилади.

7-жадвал

**Сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун озуклантириш
(А.П.Калашников 185 маълумоти) нормалари.**

Кўрсаткичлар	Режалаштирилган сут маҳсулдорлиги кг			
	3000 гача		4000 ва ундан юқори	
	Тирик массаси кг			
	400	500	400	500
Озуқ бирлиги	6.6	7.7	7.9	8.8
Алмашинувчи энергия мЖ	80	93	92	105
Қуруқ модда, кг	9.4	11.0	9.6	11.0
Тозаланмаган протеин, г	1115	1310	1310	1490
Хазмланувчи протеин, г	725	850	850	970
Клечатка, г	2350	2750	2305	2640
Крахмал, г	640	750	750	850
Қанд, г	580	680	680	775
Тозаланмаган ёғ, г	200	230	245	280
Макроэлементлар:				
Ош тузи	40	50	45	55
Кальций	60	80	70	90
Фосфор	35	45	40	50
Магний	16	19	17	20
Калий	53	62	58	66
Олтингугурт	18	21	19	22
Микроэлементлар: мг				
Темир	460	540	540	615
Мис	65	75	75	90
Рух	330	385	385	440
Кобальт	5.1	5.4	5.4	6.2
Марганец	330	385	385	440
Йод	5.1	5.4	5.4	6.2
Витаминлар				
Каротин мг	295	345	385	440
Д (кальцеферол), минг ХБ	6.6	7.7	7.7	8.8
Е (токоферол), мг	265	310	310	350

Бўғоз ғунажинлар рационини керакли микдорда барча тўйимли манбалар витаминлар ва минерал моддалар билан балансланган бўлиши лозим. Улар озук рациониди минерал моддалар ва витаминлар етишмаган пайтда ғунажинларга Қўшимча минерал озуклар тариқасида бўр, суяк уни, ёгоч кули ва бошқа минерал қўшимчалар ва витамин препаратларидан берилади.

Ҳайвонлар туғишга яқин қолган пайтда шундай боқилиши керакки, улар туғиш вақтига келиб яхшигина семирган бўлишиулар танасида тўпланган озук моддалар захираси туғишдан кейинги дастлабки кунларда керак бўлади бу вақтда ҳайвонлар ўз таналаридаги озук моддаларини асосан сут ҳосил қилишга сарфлайди. Ғунажинларнинг туғишига яқин даврда озук моддаларга бўлган эҳтиёжи ҳайвоннинг массасига ва белгиланган сут маҳсулотига қараб ўзгаради.

Агарда моллар унча семирмаган бўлса кўрсатилган боқиш нормалари 1-2 озук бирлигига орттирилади: бунда 1 озук бирлигига 110 - 120 г хазм қилинадиган протеин ва бошқа тўйимли моддалар тўғри келиши лозим.

Кўрсатилган нормалар максимал бўлиб ҳисобланмайди. В.Н.Баканов (1989) нинг фикрича бир кунда 10 - 12 кг дан сут берадиган согин сигирлар қандай боқилса, туғишига яқин қолган пайтида ҳам шундай боқиш кераклигини кўрсатади. Ғунажинлар шундай боқилгандагина туғиш пайтига келиб завод конденциясида бўлади.

Болалашга яхши тайёрланган ғунажинлар нисбатан қийналмай тугади.

Туғишига яқин қолган бўғоз ғунажинлар рационига маккажўхори ёки маккажўхори-дуккакли ўсимликлар силоси. Яхши сифатли пичан, илдизлимева, кўк ўтлар ва концентрат озуклар киритилади. Ҳайвоннинг хар 100 кг тирик массага 4-5 кг ҳисобидан ширали озук 1,5-2 кг дан пичан берилади.

Мол ветеринария кўригидан ўтказилгандан кейин туғиш мўлжалланган вақтдан 7-10 кун олдин тегишли тугруқ бўлимига ўтказилади. Бу ерда улар боғланган ҳолда сақланади. Туғишидан 2-3 кун олдин бўғоз сигирлар ва ғунажинни тугруқ хоналарга киритилади.

Туғруқ бўлими ферманинг махсус жойига жойлашган бўлиб, алоҳида эшиги бўлади. Туғруқ бўлимлари ёруг тоза бўлиши ва вақт-вақти билан дезинфекция қилиб турилиши керак. Туғруқ хонанинг 2 та хонаси (20x10 м) иккала чекасида жойлашган бўлиб, бу хонада молларни боғлаган ҳолда сақлаш учун мўлжалланган, автопоилкалар билан, соғиш аппаратлари билан жиҳозланган.

Моллар ёзда лагерларда асралаётган пайтда сигирларнинг туғиши ва бузоқларни асраш учун бинонинг яроқлиги ёки яроқсизлиги назарда тутилмоғи керак.

Туғруқ бўлимига ўтказилган бўғоз ғунажинлар рационидан ширали ва концентрат озуклар чиқариб ташланиб, фақат истаганича ёйиш мумкин бўлган яхши сифатли пичан қолдирилади. Сигирнинг туғишига 2 - 3 кун қолган вақтдан бошлаб у очиқ ҳавога олиб чиқилмайди. Сигирлар туғишдан олдин тозаланади., ифлос ерлари ва танасининг орқа қисми аввал иссиқ сув билан, кейин эса креолиннинг 1 % ли эритмаси билан ёки лизолнинг 2 % ли эритмаси билан ювилади.

Туғиш белгилари пайдо бўлган пайтда бўғоз ғунажиннинг ташқи жинсий органлари калий перманганатнинг кучсиз эритмаси билан ювилади, ифлосланган тўшамани ўрнига тоза ва курук тўшама қалин қилиб солинади, унинг устига бузоқни тушириб олиш учун мато ёки бризент ёзиб қўйилади. Юқорида айтиб ўтилганидек бўғоз ғунажинни туғишдан 24 соат олдин тугруқхонага киритилади. Бузоқни тугдириб оладиган шахсларнинг қўллари тозаланган, ўзлари эса тоза халат кийиб олган бўлишлари керак. Туғиб бўлгандан сўнг биринчи навбатда сигир бузогини ялайди, агар сигир бузогини яламаса уни сочик ёки тоза похол билан артиб қуритилади. Туғиб бўлгандан сўнг сигирга бир челак илиқ ($20-25^0$) сув ичириш, бир-бир ярим соат ўтгач, озроқ яхши пичан бериш, 3 соатдан кейин эса 1 - 1,5 кг кепакдан тайёрланган аталани илиқ ҳолда ичириш керак.

Тукқандан сўнг уч кун давомида сигирга яхши пичан берилади. Туғиш огир ўтган бўлса кепак ёки сули ёрмасидан иссиқ атала тарзида ичирилади.

Тукқандан сўнг 3-6 кунларда сигирга елинининг ҳолатига қараб ҳар кунир 0,5-1 кг миқдорда концентрат озуқа берила бошлайди. 3-4 кунлардан бошлаб рационга аста-секинлик билан илдизмевалар, ундан кейин эса силос ҳам киритилади. Айни вақтда қўшимча минерал озуқ ҳам берилади. Тахминан 8-10 кунларга бориб сигирга дагал, ширали ва концентрат озуқлар тўла нормада берилади. Туғиш огир кечганда ёки елинда шиш аломати қайтмаса тўлиқ нормага 12-15 кунда ўтказилади.

Юқорида айтиб ўтилган технологияни синаш мақсадида 16 бош мол устида текшириш олиб бордик. Бўғозлиги, қочириш муддатига қараб 8,5 - 9 ой бўлган ғунажинларни танлаб олиб (16

бош) улардан туғишга 1 хафта қолганда уларни яйратиш майдончасига ўтказилади.

Бу ерда боғланган ҳолда сақланди, молбоқарлар томонидан доим кузатилиб турилди. Кейинчалик буларни туғишга 1 - 2 кун қолганда тегига қалин тўшама солинган тугруқхонага арқонини узун қилиб боғланади ва улар бу ерда ўзига жой танлаб тугдилар. Туғиш пайтида кўпинча молбоқарлар ёрдам берадилар. Агар туғиш жараёни оғирроқ кечса ветврач Онорбой ёки зоотехник Элубоев Нуралилар ёрдам берадилар.

Тукқандан сўнг улар бузоқлари билан 10 кун давомида бирга сақланади, бундан кейин бузоғини индивидуал уйча профлакторийларга, сигирларни эса 15 кундан сўнг ферманинг сигирларнинг серсутлиғни ошириш бўлимига ўтказилади.

3.3. Сутдорликни ошириш тадбирини ўтказиш натижалари

Биз ўз кузатишларимизни сигирларни серсутлигини ошириш бўлимида (яъни раздой бўлимида) ўтказдик. Бинонинг ичида соғиш аппаратлари, автопоилкалар, гўнгни тозалайдиган транспортёрлар, сув иситгич жиҳозларга ва хоказолар бўлиб, ўртадан йўлак қолдирилган. Моллар бир-бирига қарама-қарши бош томони билан девор томондаги охирга қараб турадилар.

Ҳаво доим алмашиб туриш учун молхонанинг икки томонида деразалар ўрнатилган бўлиб ёзда булар доим очик туради ва натижада ҳаво доим тозаланиб туради. Бинога киришда иккала ёнида хоналар мавжуд бўлиб, биринчи соғиш аппаратларини ва сув иситиш хонаси бўлса, иккинчи эса қоровул хона жойлашган.

Моллар боғланган ҳолда сақланади, бундан ташқари яйратиш майдончаси мавжуд. Очик яйратиш майдончаси кенг, бу эса катта аҳамиятга эга, чунки юқорида айтиб ўтилганидек сигирларга фаол моцион тавсия этилади.

Сигирлар серсутлигини ошириш қуйидагича ўтказилди. Ҳамма моллар ўзларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан гуруҳларга бўлинади, буларни бўлишда фарқи 3-5 кг ташкил қилиши керак. Ҳар бир гуруҳга «аванс» озуқани ҳисобга олган ҳолда концентрат озуқа сарфланиши режалаштирилади.

Молларни серсутлигини оширишда қуйидаги мажбурий шароитларга амал қилиниши керак. Буларга соғлом елин (агар мастит бўлса улар раздойга қўйилмайди), ҳар куни 3 маротаба елинни охиригача соғиш, соғишдан олдин елини илиқ сувда ювиб қоидаси бўйича массаж қилиш сингари қоидаларга амал қилиниши керак. Шу бўлимда ман 8 та янги туққан сигирда серсутлигини ошириш тадбирларини ўтказдим.

Буларнинг сут маҳсулдорлиги асосан назорат соғим орқали аниқланди, шуни айтиб ўтиш керакки хўжалик фермасида назорат соғим ҳар ойда 1 мартадан ўтказилади. Сигирлар маҳсулдорлигига қараб 2 - 3 озуқ бирлиги миқдорида қўшимча концентрат озуқа «аванс» тариқасида берилди. Хўжаликда концентрат озуқ захираси кам бўлганлиги учун июн ойида нормага қўшимча 1 ОБ, июл ойида яна 1 ОБ ва август ойида холос сутдорликни оширган сигирларга яна 1 ОБ дан концентрат озуқ қўшиб бердик.

Биринчи туққан сигирларга сут маҳсулдорлигини ошириш билан бир қаторда уларнинг ўсиши учун ҳам қўшимча озуқа бериш керак бўлади.

Серсутлигини оширишга нафақат биринчи туғишдаги сигирлар эмас, балки иккинчи ва учинчи туғишдаги сигирлар ҳам қуйилади. Бизнинг шароитимизда энг юқори суткалик соғим иккинчи ойнинг охири, учунчи ойнинг бошида кузатилади. Буларни боқишда шундай боқиш керакки, максимал соғим яна 30 - 35 кун сақланиши керак. Агарда 12 - 25 чи кунлари рациондаги озуқа унинг фақатгина маҳсулдорлиги ва тирик вазни бўйича баланслаштирилган бўлса, бу ҳолда сигирнинг сутдорлиги организмнинг захираси ҳисобига кўпаяди.

Туғишдан кейин тўғри соғиш техникаси муҳим аҳамиятга эга, бунда массаж қилиниши керак, бу эса елинда безли тўқималарнинг ривожланишига ва унинг сут ажралишининг жадаллашишга олиб келади. Биринчи туққан сигирларни серсутлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга, чунки сут безларининг жадал ўсиши туққандан кейин 30-45 кун давом этади, кейинчалик эса секинлашади. Адабий манъбалардан маълумки, агар сигирда лактациясининг биринчи 100 кунда сут маҳсулдорлиги 2000 кг дан кам бўлмаса, бундай сигирлардан лактация учун 5000 кг сут маҳсулоти олиш мумкин. Биринчи туққан сигирларни қуруқ моддага бўлган умумий талаби сутдорликка қараб ортиб боради. Соғим қанчалик кўп бўлса, рационнинг қуруқ моддасидаги алмашинувчи энергия, протеин ва бошқа тўйимли моддалар шунчалик кўп бўлиши керак. Фақат сутдорлиги ортган сари 1 кг қуруқ моддадаги тозаланмаган клетчатканинг миқдори пасайиб боради.

Биз текшираётган сигирларни қуйидаги берилган назорат соғимининг натижалари шуни кўрсатадики (8-9-10-11 жадваллар)

8-жадвал

Назорат соғим бўйича маълумот

20.VI.2013 й.

Назорат соғимдаги сут маҳсулдорлиги кг												Сут маҳсул дорлик нинг ўзгари ши, %
Назорат гуруҳи						Тажриба гуруҳи						
Инв №	Туғиш санаси	Эр тала б	Тушд аги	Кеч ки	Ойлик сут кг	Инв №	Туғиш санаси	Эрт алаб	Ту шд аги	Ке чки	Ойлик сут кг	
850	20,05,13	4	2,5	3,5	285-3,66	230	10.05	4	3	3,5	315-3,72	
400	22.05	4,5	2,5	4	330-3,70	136	12.05	5	3	4	360-3,65	
190	19.05	3,5	3	3,5	282-3,65	56	20.05	3,5	4	4	345-3,62	
228	20.05	4	2,5	4	314-3,68	176	5.06	4	3,5	4,5	360-3,69	
416	18.05	4,5	2,5	4	330-3,67	535	6.06	4,5	3	4	345-3,71	
225	18.05	4	2,5	3,5	300-3,69	130	10.06	4	4	5	390-3,70	
274	22.05	4,5	2,5	3,5	318-3,69	14	28.05	4,5	3,5	4	360-3,70	
15	16.06	5	3	4	360-3,7	272	30.05	5	4	4,5	405-3,7	
					312-3,68						360-3,69	115

Назорат соғим бўйича маълумот

20.VII.2013 й.

Назорат соғимдаги сут маҳсулдорлиги кг												Сут маҳсул дорлик нинг ўзгари ши, %
Назорат гуруҳи						Тажриба гуруҳи						
Инв №	Туғиш санаси	Эр тал аб	Ту шд аги	Ке чки	Ойлик сут кг	Инв №	Туғиш санаси	Эр тал аб	Туш даги	Ке чки	Ойлик сут кг	
850	20.05.13	4,5	3	4	345-3,65	230	10.05	5,5	4,5	4,5	435-371	
400	22.06	5	3	4,5	375-3,70	136	12.05	6	4,5	5	465-3,62	
190	19.05	4	4	4	360-3,66	56	20.05	5	4,5	5,5	450-3,60	
228	20.05	5	3	5	390-3,71	176	5.06	5	4	5,5	435-3,68	
416	18.05	5	3,5	5	405-3,66	535	6.06	5,5	4	5	435-3,70	
225	18.05	5	3,5	5	405-3,70	130	10.06	5	4	5,5	435-3,71	
274	22.05	5,5	3	4,5	390-3,68	14	28.05	5	4,5	5,5	450-3,70	
15	16.05	5,5	4,5	5,5	465-3,70	272	30.05	6	5	5	480-3,68	
					390-3,68						450-3,67	115,4

10-жадвал

Назорат соғим бўйича маълумот

20.VIII.2013 й.

Назорат соғимдаги сут маҳсулдорлиги кг												Сут маҳсул дорлик нинг ўзгари ши, %
Назорат гуруҳи						Тажриба гуруҳи						
Инв №	Туғиш санаси	Эр тал аб	Ту шд аги	Ке чки	Ойлик сут, кг	Инв №	Туғи ш санас и	Эр тал аб	Ту шд аги	Ке чки	Ойлик сут, кг	
850	20.05.13	4,5	3,5	3,5	345-3,65	230	10.05	6	5	5	480-3,71	
400	22.05	5	3,5	4,5	390-3,70	136	12.05	6	5	5	480-3,64	
190	19.05	4,5	3,5	4,5	375-3,68	56	20.05	5,5	5	5,5	480-3,62	
228	20.05	5	3,5	5	405-3,70	176	5.06	6	5,5	5	495-3,70	
416	18.05	5,5	4	5	435-3,68	535	6.06	6,5	5	6	525-3,71	
225	18.05	4,5	4	4,5	390-3,71	130	10.05	6	5	5,5	495-3,71	
274	22.05	5	3	4,5	375-3,69	14	28.05	5,5	5	6	495-3,70	
15	16.06	5,5	3,5	4,5	405-3,71	272	30.05	7	6	5	540-3,69	
					390-3,69						498-3,68	128,0

11-жадвал

Назорат соғим бўйича 3 ойлик сут маҳсулдорлиги

Назорат соғимдаги сут маҳсулдорлиги кг												Сут маҳсулдор ликнинг ўзгариши, %
Назорат гуруҳи						Тажриба гуруҳи						
Инв №	Туғиш санас и	июн	июл	август	Уч ойлик сут, кг	Инв №	Туғиш санаси	июн	июл	август	Уч ойлик сут, кг	
824	20.05. 13	285	345	345	975	230	10.05 2013	315	435	480	1230	
404	22.05.	330	375	390	1095	136	12.05	360	465	480	1305	
190	19.05	282	360	375	1020	56	20.05	345	450	480	1275	
228	21.05	314	390	405	1110	176	5.06	360	435	495	1260	
416	18.05	330	405	435	1170	535	6.06	345	435	525	1305	
225	11.06	300	405	390	1095	130	10.06	390	435	495	1320	
274	22.05	315	390	375	1080	14	28.05	360	450	495	1305	
15	16.06	360	465	405	1230	272	30.05	405	480	540	1425	
		312	390	390	1092			360	450	498	1308	119,8 %

12-жадвал

Бўғозликни сўнгги ва сутдорликни ошириш давлари рационининг тўйимлилиги

Кўрсаткичлар	Ўлчо в бирл иги	Бўғозлик даври		Назорат гурӯҳи		Тажриба гурӯҳи			
		Озуқ норма си	Рацио нда бор	Озуқ норма си	Рацио нда бор	июн	июл	август	
						Тажриба даврида «аванс» озуқа бирлиги			
						Оз норма	Рацион бор	Рац бор	Рац бор
Кўк беда	кг	25	35	35					
Пахта шелухаси	кг	2		2					
Бугдой кепаги	кг	3,5		0,5					
Маккажўхори дони ёрмаси	кг			2			1	1,5	1,5
Арпа дони ёрмаси	кг								1
Ош тузи	г	50	50	73	-73	73	73		
Рацион таркиби озуқ бирлиги		8,4	8,55	10,6	10,57	10,6	+1,33	+1,99	+3,14
Алушинвучи энергия	мЖ	9,8	89	126	109,3	126	12,2	18,3	28,8
Қуруқ мода	кг	10,3	10,1	14,1	12,7	14,1	850	1275	2125
Тозаланмаган пртеин	г	1400	1740	1630	2901	1630	103	155	188
Хазмланувчи протеин	г	910	1314	1060	1493	1060	73	90	175

Тозланган клечатка	г	2470	2440	3810	2700	3810	38	57	106
Крахмал	г	800	85	1435	1305	1435	555	832	1317
Қанд	г	770	600	955	594	955	40	60	62
Тозаланмаган ёғ	г	262	368	340	418	340	42	63	85
Ош тузи	г	50		73	-	73			
Кальций	г	80	145	73	176	73	0,5	0,75	2,75
Фосфор	г	45	48	51	35,8	51	5,2	7,6	11,5
Магний	г	18,5	33	22	28,5	72	1,4	2,1	3,1
Калий	г	62	170	82	215	82	5,2	7,8	12,8
Отингугурт темир	г	20	41,6	27	50,9	27	0,5	0,75	3,15
Темир	мг	577	2995	850	4045	850	303	454	504
Мисс	мг	82	94	95	88,9	95	2,9	4,35	8,55
Рух	мг	412	549	635	272	635	29,6	44,4	79,5
Кобаолт	мг	5,8	1,60	7,4	1,9	7,4	0,06	0,09	0,35
Марганец	мг	412	749	635	441,6	635	3,9	5,85	19,35
Йод	мг	5,8	7,5	8,5	1,74	8,5	0,12	0,18	0,40
Каротин	ҚБ	412	1334	475	1869	475	6,8	10,2	10,25
Д витамин 1000	ҚБ	8,7	0,625	10,6	1,2	10,6			
Е витамин	мг	330	1323	425	1806	425	22,6	33,9	83,9

Июн-июл-август ойларида ўтказилган раздойда биз «аванс» тариқасида озук беришни 10 июндан бошлаб асосий рационга 1,33 озук бирлиги миқдорида (1 кг маккажўхори ёрмасини қўшиб бердик. Июл ойидан бошлаб, бу ёрма миқдорини 1,5 кг га чиқардик. (1,95 озук бирлиги), август ойида эса бунга қўшимча қилиб 1 кг арпа ёрмаси ҳам қўшиб бердик. Раздой даври рационини қуйида келтирилган. (12-жадвал). Сигирларни сутдорлигини ошириш бўйича ўтказилган тадбир натижасини таҳлил шунини кўрсатадики, июн ойида тажриба гуруҳидаги сигирлар назорат гуруҳидагиларга қараганда гуруҳ бўйича ўртача сутдорликни 45 кг га оширганлар, июл ойида бу кўрсаткич 56 кг ни ташкил қилган. Август ойида эса тажриба гуруҳидаги сигирлардан назорат гуруҳидаги тенгқурларига қараганда 105 кг дан, ҳар бош сигирдан қўшимча сут олишга эришилган. Бу тажриба гуруҳидаги сигирлардан назорат гуруҳидагиларга нисбатан 128,0 % ни ташкил қилади.

Июн-июл-август ойларида назорат гуруҳида ўртача кунлик сутдорлик 10,5-13-13 кг га тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳида бу мос равишда 12-14,9-16,5 кг ни ташкил қилган.

Хўжалик рационини эса тирик массаси 500 кг 12 кг сут берадиган сигирлар учун мўлжалланган бўлиб ёш сигирларнинг ўсишини қопламайди. Шунинг учун лактацияни 70-80 кун энг юқори сутдорликка эришилган бўлиб бу сутдорлик учун озук нормаси 11,2 озук бирлигига тенг бўлиши керак эди. Демак бу сигирлар (11,2-10,6-0,6 ОБ) 0,6 озук бирлигига яқин энергияни тана захирасидан олганлар.

Бизнинг тажара гуруҳимизда эса рацион тўйимлиги июн ойида ($10,6+1,33=11,93=12$ ОБ) 12 ОБ га,

июл ойида ($10,6+1,99=12,59=12,6$ ОБ) 12,6 ОБ га,

август ойида ($12,59+1,55=13,74$) 13,74 ОБни ташкил қилади.

90 кунлик сутдорликни оширишга бағишланган чора-тадбир куни кўрсатадики, тажриба гуруҳдаги ҳар бош сигирдан назорат гуруҳидаги тенгқурларига қараганда ($1308-1092=216$) 216 кг дан кўп сут соғиб олинган. Сарфланган ($1\times 20=20$ кг; $30\times 1,5=45$ кг; $30\times 1,5=45$ кг) жами 190 кг маккажўхори ва 30 кг арпа дони истеъмол қилиб 216 кг қўшимча сут ишлаб чиқарилган. 1 кг сут учун эса 679 г концентрат озуқа сарф қилинган.

12-жадвалда келтирилган маълумотлардан шу нарсани кўринадики, бўғоз сутдан чиққан сигирлар ва ғунажинларнинг озуқа нормаси 450-500 кг тирик массадаги ва туққандан сўнг 4000 кг сут берадиган бўғоз сигир ва ғунажинлар учун мўлжалланган бўлиб шу давр рационининг тўйимлиги асосий тўйимли моддаларга бўлган талабини крахмалдан ташқари тўлиқ қондиради. Минерал моддаларга бўлган талаб эса рационга ҳар бошига 50 г бентонит ерни бериш орқали баланслаштирилади.

Туққандан сўнгги рационнинг тўйимлиги эса тирик массаси 500 кг, кунлик сутдорлиги 12 кг бўлган сигирлар учун тузилган бўлиб, унда қуруқ модда 1 кг 300 граммга, клетчатка 1000 г га крахмал 130 г га қанд 360 г.га талабни қондирмайди. Бу сигирлар яйловга чиқарилиб ўтлатилади. Шундай қилиб тўйимли моддаларга бўлган талабини қондиради деб фараз қиламиз.

Тажриба гуруҳдаги сигирларни «аванс» озуқлантириш орқали июн ойи рационини тўйимлиги 1,33 озуқа бирлигига, июл ва август

ойлари рацион 2 ва 3,15 озук бирлигига назорат гуруҳидаги сигирларникидан ошиқ бўлган.

3.4. ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳар қандай илмий изланишнинг якунида бу тажрибани ўтказишдан хўжалик учун иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ётади.

Биз хўжаликда 1-туғишдаги ғунажинларда сутдорликни ошириш бўйича ўтказилган тадбирнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учун 90 кунлик тажриба даврида назорат гуруҳидаги сигирлар хўжалик рационидида боқилган бўлиб, тажриба гуруҳидаги сигирлар 90 кунлик тажриба даврида 190 кг маккажўхори дони ва 30 кг арпа донини назорат гуруҳидаги сигирларга нисбатан қўшимча истеъмол қилганлар.

Хўжаликда етиштирилган маккажўхори донининг таннархи 170 сўм бўлган. Арпа донини таннархи ҳам шундай, чунки хўжаликда тажриба учун арпани маккажўхорига алмаштирганлар, чунки арпа экилмаган эди. Шундай қилиб, $190+30=220$ кг концентрат озуқа сарф қилинган бўлиб, унинг қиймати $220 \times 170 = 16940$ сўмни ташкил қилади.

Демак, тажрибадаги ҳар бош сигирга 16940 сўмни миқдорида аванс тариқасида қўшимча маблағ сарфланган. Энди хўжаликда 1-туғишдаги сигирларда сутдорликни ошириш бўйича ўтказилган тадбирнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобласак бўлади.

**Сутдорликни ошириш бўйича ўтказилган тадбирнинг
иқтисодий самарадорлиги**

Т/р №	Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
1	90 кунлик тажриба даврида етиштирилган сут, кг	1092	1308
2	1 кг сутнинг харид нархи, сўм	2000	2000
3	Етиштирилган сутни сотишдан кўрилган даромад, сўм	2184000	2616000
4	Тажриба гуриҳидаги ҳар бош сигирдан олинган қўшимча сутнинг қиймати, сўм	-	432000
5	Ҳар бош сигирга сарфланган қўшимча сарфланган (аванс) концентрат озукнинг қиймати	-	37400
6	Ҳар бош тажрибадаги сигирдан олинган соф	-	394600

	фойда, сўм		
7	Тажриба гуруҳидаги 8 бош сигирдан олинган соф фойда, сўм	-	3156800

Шундай қилиб, 90 кунлик сутдорликни ошириш бўйича ўтказилган чора тадбир натижасида хўжалик рационидида боқилган назорат гуруҳидагиларга қараганда ҳар бош тажриба гуруҳидаги сигир 190 кг маккажўхори дони ва 30 кг арпани “аванс” тариқасида қиймати $(190+30=220 \text{ кг} \times 170=37400)$ 37400 сўмни ташкил қилган.

Назорат гуруҳидаги ҳар бош сигирдан 90 кунда 1092 кг; тажриба гуруҳидаги сигирлардан 1308 кг дан сут соғиб олинган. Тажриба гуруҳидаги сигирлардан ҳар бошидан 216 кг дан қўшимча сут соғиб олинган. Ҳар 1 кг сутнинг харид нархи 2000 сўмни ташкил қилганда кўрилган даромад 1 бош сигирдан $(216 \times 2000=432000)$ 432000 сўмга тенг бўлади.

Агар аванс тариқасида сарф қилинган 220 кг концентрат озукнинг қиймати $(220 \times 170=37400)$ 37400 сўмни айириб ташласак, $(432000-37400=394600)$ 394600 сўмни, тажрибадаги 8 бош сигирдан эса 315800 сўмга тенг бўлади.

АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

Юқори Чирчиқ туманидаги «Мурувват чорвадор» хўжалиги шароитида янги туққан сигирларнинг сутдорлигини ошириш мавзусидаги малакавий битирув ишни бажариш жараёнида олиб борилган изланишимиз якунидан биз қуйидаги асосий хулосаларни келтиришни лозим топдик.

1. Хўжаликда сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун тузилган рационнинг тўйимлиги асосий тўйимли моддалар бўйича уларнинг талабини қондиради.

2. Хўжаликда янги туққан сигирларни сутдорлигини ошириш бўйича тадбир ўтказиш учун алоҳида хоналар (раздой цехи) мавжуд бўлиб бу тадбирни ўтказишга учун барча шароит яратилган.

3. Хўжаликда 2013 йил июн, июл, август ойларида 8 бош сутдан чиққан бўғоз сигир устида сутдорликни ошириш бўйича олиб борилган тажрибада назорат гуруҳдагиларга нисбатан 3 озук бирлиги (1,5 кг маккажўхори дони ва 1 кг арпа дони ёрма холида) миқдорида «аванс» озуқа бериб, 90 кунлик назорат соғим натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳидаги ҳар бош сигирдан назорат гуруҳидаги тенгқурларига қараганда 90 кунда ўртача 216 кг дан қўшимча сут етиштириш имконини берган.

4. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 90 кунлик тажриба даврида тажриба гуруҳидаги ҳар бош сигирдан 394600 соф фойда, гуруҳдаги 8 бош молдан эса 3156800 сўм миқдорида соф фойда олиш имконини беради.

ТАВСИЯ

Янги туққан сигирлар сигирлар сутдорлигини ошириш мавзуси бўйича олиб борган илмий изланиш якунидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга қуйидаги таклифни хавола қилмоқчимиз.

1 Тошкент вилоятининг суғориладиган майдонларида голштинлаштирилган қора-ола зотга мансуб бўлган янги туққан сигирларни парваришлайдиган сут йўналишидаги қорамолчиликда янги туққан сигирларга туққандан сўнг «аванс» озуқа бериб уларни сутдорлигини ошириш чора-тадбирларини ўтказишни таклиф қиламан. Бу дадбир бизнинг тажрибамизда 90 кунлик сутдорликни ошириш даврида сут маҳсулдорликни 119,8 % кўпайишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А., «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т. 2009.
2. Абдалниёзов.Б.О., «Сигирларни туғишга тўғри тайёрлаш» Ургенч. 1995.
3. Алиқулов.А., Ҳар бири 4 млн 300 минг сўмлик ғунажинлар № 6-7 2008 «Зооветеринария» журнали.
4. Баканов.В.Н., Овсеев.Б.Р., «Летнее кормление молочных коров» М. «Колос». 1982. стр. 148.
5. Всяких А.С., «Выведения коров для молочных комплексов» М: «Колос». 1981.
6. Герчиков.П., «"Крупный рогатый скот» М. 1968.
7. Ғиёсов.Х.А., «Ғунажинларни ҳар хил шароитда боқишда уларнинг ўсиши ривожланиши ва сақланиши» Труды «Прогрессивные технологические приёмы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных». 1989.
8. Дмитриченко.А.П., Пшеничный.П.Д., «Кормление с/х животных» М. «Колос» 1975.
9. Калашников.А.П., Сыроткин.В.И., «Использование силоса при кормлении нетелей» журнал «Зоотехния» № 3. 2002. стр 11.
10. Калишников.А.П., «Силосный тип кормления крупного рогатого скота» М. 1983. стр. 82.
11. Крилов.В.И., «Полноценное кормление коров» Ленинград ВО 1987. стр 106.

12. Легошин.Г.П., «Ремонт стада молочных ферм и комплексов» М. 1974
13. Максудов.И., Аширов.М., «Фермер хўжалигида сермахсул сигирлар ўстириш» Зооветеринария журнали №8. 2008. 38 бет.
14. Максудов.И., «Рационда турли микдорда ем билан ўстирилган биринчи туғиш сигирларнинг сут маҳсулдорлиги» Т. 1989.
15. Мысик.А.Т., «Современные тенденции развития животноводства странах мира» Журнал «Зоотехния» № 1 2010.
16. Носиров.У.Н., Хидиров.И.Х., и др. «Прогрессивные технологические приёмы повешения продуктивности сельхоз животных» Т. 1989.
17. Сыроткин.В.И., «Кормление молодняка крупного рогатого скота» М. «Россельхозиздат». 1986. стр 38.
18. Хамракулов.Р., «Чорвачиликда илмий изланиш assolари» фанидан услубий қўлланма Т. 2002.
19. Хамракулов.Р., Карибаев.К., «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш» Т. 1999.
20. <http://www.slo vco.zu>.

4-94 гурух талабаси Шухрат валиевнинг “Фермер хўжалиги шароитида голштинлаштирилган сигирларни говмишлаштириш технологияси” мавзусидаги малакавий битирув ишига

Такриз

4-94 гурух талабаси Шухрат Валиев ушбу малакавий битирувчини бажариш жараёнида 20 дан ортиқ Россия, Ўзбекистон олимлари ва интернет саҳифаларидан олинган маълумотларни таҳлил қилиб уларни тўғри умулаштирилган. Говмиўлаштириш (раздой) қорамолчиликда муҳим омил бўлиб ҳар бир типовой сут- товар фермаси қошида раздой цехи бўлиб бу жойда сигирларнинг генетик мўлжалланган сутдорлигини рўёбга чиқарар эдилар. Афсуски, кейинги йилларда бу чора тadbирлар кўп хўжаликларда ўтказилмай қўйилмоқда.

Ўтказилган тажриба якунидан кўринишича 10 июн куни 2013 бошлаб 1 кг маккажўхори ёрмасини “аванс” тариқасида қўшиб берилган, июл ойда 1,5 кг чиқарилди. Август ойига келиб сутдорлик ортиб боргани туфайли унга яна 1 кг арпа ёрмаси ҳам қўшиб бериб “аванс” озукани 3,14 озук бирлигига чиқарган натижада 90 кунлик тажриба даврида ҳар бош сигирдан назорат гуруҳидаги тенгқурларига қараганда 216 кг дан кўп сут соғиб олинган. Тажрибадаги 8 бош сигирдан 90 кунлик тажриба давомида 3156800 соф фойда олинган.

Ишнинг охирида бажарилган иш мазмунидан келиб чиқадиган асосий хулосалар ва ишлаб чиқаришга тавсиялар ҳам келтирилган. Бажарилган иш қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни ДАК ҳузурида ёклаш учун яроқли деб ҳисоблайман.

Ипакчилик кафедраси катта

4-94 гуруҳ талабаси Шухрат валиевнинг “Фермер хўжалиги шароитида голштинлаштирилган сигирларни говмишлаштириш технологияси” мавзусидаги малакавий битирув ишига

Хулоса

Талаба Шухрат Валиев “Фермер хўжалиги шароитида голштинлаштирилган сигирларни говмишлаштириш технологияси” мавзуси бўйича малакавий битирув ишини бажариш жараёнида кўпгина мавзуга оид бўлган Россия олимлари, Ўзбекистонлик изланувчилар ҳамда интернет саҳифаларидаги адабий манбаъларни таҳлил қилиб уни тўғир умулаштираолган.

Валиев Шухрат 4 йиллик ўқиш даврида яхши баҳоларга ўқиб, интизомли, ақл идроклиги билан гуруҳдошлари орасида хурматга сазовор бўлган. Дарсдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланади, илмий адабиётларни таҳлил қилади, хулос ўз устида ишлашни ёқтиради.